

Корхона ва ташилотлардаги касаба уюшмалари ҳам ишхонасида, ходимлари яшайдиган маҳаллаларда дарахт эктириб, яшил ҳудудларни кенгайтурса, тозалик ва ободончилик ишларини ташиқил қилса, ўйламанки, меҳнат жамоаларидаги муҳит мутлақо бошқача бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
14-mart,
shanba
№32
(5252)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ



Давлатимиз раҳбари ўтган йили 17 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувида ҳар бир ҳудудда «Касаба уюшмалари боғлари»ни ташкил қилишни таклиф этган эди. Айти вақтда жойларда касаба уюшмалари фаоллари «Мен ҳам кўчат экман» акциясида қизғин иштирок этиб, ушбу таклиф асосида боғлар бунёд этишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

СУРАТДА: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган «Касаба уюшмалари боғи».

Муҳаббат Тўрабоева олган сурат



АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ


Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги bosqichga olib chiqish va jamoatchilik fikrini chukur taхlil qilish masalalari юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентимиз аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг жорий ҳолатини таҳлил қилди. Давлатимиз раҳбари мурожаатлар билан ишлаш тизимини ўзгартириш вақти келганини таъкидлаб, ҳокимликлар, вазирлик ва идораларга фақат кўтарилган масалани ҳал қилиш билан чекланиб қолмасдан, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, мурожаатларга олиб келаётган омилларни аниқлаб, уларни камайитириш билан тизимли равишда шуғулланишга топшириқ берди.

Шу боис, Халқ қабулхоналари фақат ариза қабул қилувчи идора эмас, балки соҳа ва жойлардаги муаммоларга уларга тегишли масъул идораларнинг эътиборини тортаргани, улар билан биргаликда таҳлил ва ечим таклиф қиларганини таъкидлади.

Йиғилишда ҳудудлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш тафсилотлари билан батафсил танишиш учун ушбу QR кодни сканер қилинг:



ishonch.uz telegram kanaliga ўтинг ва батафсил танишинг:

Рамазон ҳайити ва Наврўз муносабати билан дам олиш кунлари маълум қилинди

ishonch.uz telegram kanaliga ўтинг ва батафсил танишинг:

Ишдан вақтинча четлаштириш: қонун нима дейди?

ishonch.uz telegram kanaliga ўтинг ва батафсил танишинг:

Марказий Осиёда янги давр: «маданий код» катта сиёсатда қандай кучга айланмоқда?

Миннатдорлик

13 йилдан буён «Бекободцемент» заводиди фаррош бўлиб ишлайман. Яқинда ишхонамиздаги қоровул аёл билан гап талашиб қолдим, ўртада жанжал келиб чиқди. Кўп ўтмай, маъмуриятдагилар ишдан бўшашим кераклигини айтишди.

КАСАБА УЮШМАСИ МЕНИ ИШДА ОЛИБ ҚОЛДИ

Хайрон бўлдим. Бунақа пайтда касаба уюшмаси йиғилиш ўтказмай-дими, можаро сабабларини ўрганиб, иккала томонни эшитмайдимми? Ишхона тартиб-интизомлари бузилган, деб топилса, биринчи навбатда, оғоҳлантириш берилиши ёки жарима қўлланиси керак эмасми? Бирдангина ишдан бўшатишлари қанчалик тўғри?

Шулар ҳақида ўйлавериб тушкунликка тушиб қолдим. Маъмурият қарори юзасидан бир неча ташкилотга мурожаат қилдим. Улар бу ҳаракатлар ноқонунийлигини айтишди, бироқ амалий ёрдам беришмади. Энди нима қиламан? Ахир оиланинг ёлғиз боқувчисиман, икки нафар вояга етмаган фарзандим бор...

Ана шундай ҳаёллар огушида қийналиб юрган кунларимнинг бирида хотин-қизларни ҳимоя қиладиган 1211 рақамли «Ишонч телефони» борлигини эшитиб, унга мурожаат қилдим. Буни қарангки, эртасигаёқ ушбу масала бўйича касаба уюшмаси қўмитасининг йиғилиши ўтказилди. Унда қўмита аъзолари «Бекободцемент» АЖнинг мени ишдан бўшатиш сўралган хатига розилик беришмади. Бундан ташқари, тортишиб қолган ҳамкасбим иккимизни яраштириб қўйишди.

Шуқр, ҳозир аввалгидай ишлаб, бола-чақамни боқиб юрибман. Мени оғир вазиятдан чиқарган, мушкулимни аритган касаба уюшмаларига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Зарина УРУШОВА
Бекобод шахри



Тақдимот

«ЎҚИСАК, ЎЗИМИЗНИ КЎРАДИГАН АСАР»



Сирдареликлар Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, таниқли адиб Абдусайд Кўчимовнинг «Юксалиш симфонияси» публицистик китобига шундай баҳо беришди.

Аслида симфония йирик ҳажмли мусиқий жанрдир. Унда фалсафий гоялар, инсон кечинмалари ва ҳаётнинг драматик жараёнлари акс этади. «Юксалиш симфонияси»ни қўлига олиб ўқий бошлаган китобхон ҳам гўзал бир оҳангни ҳис этади, кўнглида фахр, ифтихор туйғулари кечади, кўз ўнгидан ўз юртининг юксалиб бораётган пиллапоълари ўтади.

Вилоят ҳокимлиги, Гулистон давлат университети ҳамкорлигида «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган асар тақдимида дастлаб университет ректори,

техника фанлари доктори, профессор Муҳсин Ҳожиёв ўз таассуротларини баён қилиб, кейинги ўн йилликда юртимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар адиб томонидан содда ва равшон тилда маҳорат билан ҳикоя қилинганини эътироф этди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев эса асар моҳиятига янада кенгроқ ёндашди.

– Бу республика микёсидаги ютуқларни жамлаб, ўзида акс эттирган китоб, – деди адабиётшунос олим. – Кўпинча ютуқлар рақамларда кел-



тирилган, ёзувчининг маҳоратини қарангки, рақамларни одамларнинг кўнглига етиб борадиган тарзда ифода қилади. Кечаги кунимизни чизиб бергач, бугунги кун тафсилотларига ўтади, ниҳоятда самимият билан юксалиш сабабларини очиб беради. Буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг гоялари, ташаббуслари, юрт бўйлаб ташрифлари самаралари эканини далиллар билан келтиради. Сирдарёда 2016 йилга қадар саноат корхоналари ниҳоятда кам эди. Бугун эса улар сон-санокисиз. «Дунёнинг бадавлат сармоядорлари миллион-миллион долларларни белбоққа тугиб, «Қайдасан Сирдарё», дея отга миндилар», деб ёзади китобда муаллиф. Чунки «Давлат раҳбари томонидан «Янги Ўзбекистон» дарёлари-

нинг бугунидан то Учинчи Ренессанс уммонига бориб қўйилишигача бўлган мукамал дастур яратилди».

Қозоқбой Йўлдошев китоб муаллифининг руҳшунос ижодкор эканини, юзга яқин эсселари, ажойиб ҳикоялари, шеърлари билан ўқувчилар кўнглидан жой олганини алоҳида таъкидлади. Гулистон давлат университети қошидаги «Зулфияноним издошлари» клуби аъзолари шоир шеърларидан ўқидилар.

Шоир Муҳаммад Исмоил, профессор Раҳманбек Маҳмудов, университетнинг ёшлар етакчиси Ерқинжон Ҳайитбоев, вилоят ҳокими ўринбосари Отабек Мавлонбердиевлар ўз сўзларида «Юксалиш симфонияси»даги ҳар бир мақола алоҳида бир асар эканини, унда юртимиз равнақи бутун бўй-баста билан тасвирланганини таъкидлаб, «Ўқиганимизда ўзимизни, халқимиз иродасини, шу халқ розилиги учун жон қийтаётган Юртбошимиз шижоати ва доносиётини кўрамиз», дейишди.

– Бу китобда юртимиздаги юксалишларнинг бир заррасини акс эттирилган бўлса хурсандман, – деди асар муаллифи Абдусайд Кўчимов. – Чунки кейинги ўн йиллардаги ўзгаришлар, эвриллишларни ёзса, ўнлаб китобларга сизмайди. Биз ижодкорлар имкон қадар ўзимиз гувоҳ бўлаётган мана шу тарққийетини ёзишимиз, тарихга муҳрлашимиз, келажак авлодга борича тутқазшимиз даркор.

Дарҳақиқат, улкан ислохотлар самараси акс этган «Юксалиш симфонияси» ўқирманларга юртимизнинг ҳар бир гўшаси ҳақида гўзал таассуротлар бериши шубҳасиз.


Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

**Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.**
Алишер Навоий

Анжуман

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – МУҲИМ МАСАЛА

Бугунги кунда мамлакатимизда ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур йўналишда иш самарадорлигини ошириш, фаолиятни тубдан янгилаш, дунё тажрибасини ўрганиш, уларни меъёрий ҳужжатларда акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани сўзимизнинг исботидир.



Масъулларни қонун-оғи ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан таништириш, касба уюшмалари фаолиятини янада тақомиллаштириш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда молиявий интизомни таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида икки кунлик семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири ўринбосари Х.Мирсаидов, Транспорт, йўл, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси хо-

димлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Ш.Чориева соҳадаги ислохотлар хусусида батафсил маълумот бердилар.

Очиқ мулоқот, ўзаро савол-жавоблар руҳида ташкил этилган семинар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳасан НОРҚУЛОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси



Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Бир фуқаро хусусий клиникада раҳбар ўринбосарини ва мену товламаччилик йўли билан пул талаб қилганликда айбламочда. Шу боис клиника хавфсизлик хизмати билан полиграф (Элгон детектори) орқали текширувдан ўттирилганлиги таллаб қилмоқда. Бу талаб қонунийми? Биз бундай текширувдан ўттириш рад этишимиз мумкинми?

Севара БАХРОМОВА
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Сиз ва ҳамкасбингиз полиграф (Элгон детектори) орқали текширувдан ўттирилганлиги асосан, қатъий бош тортиш ҳуқуқига эгадир. Зеро, амалдаги меҳнат қонунчилиги, хусусан, Меҳнат кодексига ходимни полиграф (Элгон детектори) орқали текширувдан ўтказиш кўзда тутилмаган. Бундай ҳолат бирон-бир ички локал ҳуқуқий ҳужжат (жамоа келишуви, жамоа шартномаси, низоми ёки меҳнат шартномаси ва бошқалар) да кўзда тутилган бўлса ҳам, ходимга бундан шарт қўйиш қонунга хилоф ҳисобланади. Чунки Меҳнат кодексининг 8-моддасига мувофиқ ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини юқори-роқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан ёмонлаштирилмаслиги лозим.

Полиграф (Элгон детектори) орқали текширувдан ўттириш, юқорида қайд этилган қонун талабларини қўрқатган ҳолда, ёзма равишда рад этинг. Бу ишингиз ҳеч қандай ҳуқуқий, масалан, муқофотдан маҳрум қилиш, моддий жавобгарликка тортиш, интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш сингари оқибатларни келтириб чиқармайди. Сизга нисбатан бирон-бир чора қўрилган тақдирда тегишли тартибда меҳнат инспекциясига ёки прокуратура органларига шикоят қилишингиз мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Муҳокама



ХОДИМЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ЕТАКЧИ

Хуршидахон Ражабова ўтган йили муқобиллик асосида бўлиб ўтган сайловда Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси касба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланган эди. У ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун астойдил ишга киришди. Тиббиёт ходимларини мушқулини осон қилиш учун бор куч ва билимини аямади. Бугунги кунга келиб, аъзоларнинг ҳақиқий сунъигига айланган.

Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмасида жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси юзасидан берилган ҳисобот чоғи ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда салмоқли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлди.

1 минг 300 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган тиббиёт муассасаси касба уюшмаси қўмитаси раиси Хуршидахон Ражабова ўз ҳисоботида йил давомида амалга оширилган ишларга тўхталиб, ҳар бир ходим касба уюшмаси хизматида баҳраманд бўлиб келаётганини, барча байрамларда фаол ходимлар рағбатлантирилаётганини, маданий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш

анъанага айланганини таъкидлади.

Йил давомида ходимлар ва уларнинг ота-оналари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги сўхат-ҳоҳларда саломатликларини мустаҳкамлашди. «Ўзбекистон бўйлаб сәҳаҳ қил!» дастури доирасида тарихий шаҳарларга сәҳаҳатлар уошғирилди. Бундан ташқари, ходимлар сўлим гўшарларда дам олдирилди.

Ингиллишда, шунингдек, ходимлар жамоа шартномаси орқали қўллаб имғиёзларга эга бўлиб бораётгани, меҳнат муҳофазасига жиддий эъғибор қаратилаётгани ҳам эслатиб ўғилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»



Маънавият ва маърифат марказининг Олот тумани бўлими ҳамда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Олот тумани кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Китобхон директор» танловига таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий салоҳияти намоён бўлди.

КИТОБХОН ДИРЕКТОР

Танлов



Бугун таълим тизимида раҳбарнинг ташкилий қобилияти билан бирга, унинг маънавий дунёси, китобга муносабати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Китобхон директор» танлови раҳбарларни мутолаага янада яқинлаштириш, уларни бадиий тафаккурга чорлаш ва шахсий намуна орқали китобхонлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Танлов жараёнида иштирокчилар ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асари асосида тузилган саволлар асосида беллашдилар. Асардаги тарихий воқеалар талқини, қаҳрамонлар характери, муаллифнинг бадиий услуби ва гоёвий мақсади бўйича берилган саволлар иштирокчиларнинг таҳлилий фикр-

лаш қобилиятини синовдан ўтказди.

Якуний ҳулосаларга кўра, 14-иختисослаштирилган умумтаълим муассасаси директори Ҳасан Каримов биринчи, 27-умумтаълим мактаби раҳбари Шухрат Сулаймонов иккинчи ва 15-умумтаълим мактаби директори Яҳё Толибов учинчи ўринни эгаллади. Голблар ва фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Энг муҳими, мазкур танлов таълим муассасаларида китобхонликни ривожлантиришга кучли туртки берди. Зеро, китоб ўқимайдиган раҳбар ўқувчига ўрناк бўлмайди.

Мурод ЁРМАТОВ,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Олот тумани кенгаши раиси

ИШОНЧ УСТУНЛАРИ

Фаолият

Халқ банкининг Дўстлик филиали бош мутахассиси Шерзод Умаржоновни кутилмаганда штатлар қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантиришди. Шунга қарамай, иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган шартнома анчагача бекор қилинмади. Бу даврда Шерзод Умаржонов «Балки ҳаммаси жойига тушиб кетар», деган халғам ҳам борди. Аммо адашган экан, роппа-росса бири йил ўтган, уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ имзоланди.

Мазкур жараёнда филиал масъуллари ходим манфаатига зид иш юритишди. Жумладан, меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин ташкилот касба уюшмаси қўмитаси розилигини олишмади. Шунингдек, собиқ ходимга компенсация пуллари тўлаб берилмади. Бу ҳам етмагандек, иш берувчи компенсация тўламаслик учун Шерзод Умаржонов билан хизмат кўрсатиш шартномаси тузиб, уни икки ой ишлатди, лекин бу давр учун маош бермади.

Ш.Умаржонов ҳолат юзасидан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши мурожаат қилди. Натияжада ҳолат атрофлича ўрганилди ва суд орқали аризагача мажбуран бекор юрган кунлари учун 66 миллион 700 минг сўм иш ҳақи ҳамда 10 миллион сўм миқдорда маънавий зарар ундириб берилди. Асосийси, у ишга тикланди, аниқроғи, филиалда бўш иш ўрни бўлмагани боис Зафаробод стандарт банк хизматлари марказига етакчи мутахассис лавозимига тайинланди.

Кенгашимиз шу тарзда ўтган йили фуқароларнинг 195 та мурожаатини ижобий ҳал этишга эришди. Чунинчи, 7 та масала фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқилиб, 10 нафар ходим ишга тикланди. Уларга 400 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб берилди. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан мансабдор шахсларга 10 та тақдимнома кири-

тилди. Бундан ташқари, ижтимоий сўғурта бюджети ҳисобидан 116 нафар ишчи ва ходим санаторийга йўланмалар билан таъминланди. 432 нафар бола ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши учун 86 миллион 444 минг сўм йўналтирилди. Жамоа шартномаларига туризмга доир шартларни киритиш йўли билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарларга 1500 нафар ходим ҳамда уларнинг оила аъзолари учун сәҳаҳатлар уошғирилди. 635 киши эса вилоятимиздаги кадамжоларни зиёрат қилди.

Яна бир маълумот. Ўтган йили тизимимиз касба уюшмалари аъзолари сони 4 минг 915 нафарга ошиб, жами 19 минг 398 нафарга етди. Кенгашимиз тарғибот тадбирлари ва кўрик-танловлар уошғириш борасида ҳам фаоллик кўрсатди. Бу жараёнда ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда меҳнат муҳофазасига оид билимларини ошириш чоралари кўрилди.

Жорий йилда 117 та мурожаат асосида меҳнат-кашлар муаммолари ҳал этилди. Айни кунларда тизимимиздаги ташкилот, корхона ва муассасаларда жамоа шартномаси муҳокамалари ўғказилмоқда.

Қисқаси, фаолиятимизни изчиллик билан давом эттиряпмиз.

Алишер КАРИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси

Оламда бутун

Венгрия Украинадан ғазабда

Венгрия бош вазири Виктор Орбан Россия нефти транзити билан боғлиқ можаро фониди Украинанинг Закарпатье вилоятида яшовчи венгр миллий озчилиги масаласини янада фаол кўтара бошлади. Бу ҳақда Германиянинг Junge Welt (JW) газетаси хабар берди.

Венгрияга катта иқтисодий зарар етказди. Киевнинг мотивацияси тушунарли – Россияни даромад манбаларидан маҳрум қилиш, ҳатто бу жараёнда унинг айрим иттифоқчилари иқтисодий зарар кўрса ҳам, деб ёзади нашр.

Бунга жавобан Виктор Орбан Закарпатье вилоятидаги этник венгрлар ҳуқуқлари чекланаётгани ҳақидаги масалани халқаро

майдонда фаолроқ кўтара бошлаган. Нашрда қайд этилишича, Будапешт бир неча йилдан буён ушбу минтақа аҳолисига Венгрия паспортларини тақдим этиб келган. Шунингдек, можаро бошланганидан сўнг Венгрия расмийлари этник венгрларни Украина Қуролли кучларига мобилизация қилиш амалиёти юзасидан ҳам норозилик билдирмоқда.

Кобулда тунги зарба

Покистон ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан Кобул шаҳрининг тураржой ҳудудларига амалга оширилган тунги авиация зарбалари оқибатида 3 нафар киши ҳалок бўлди, 15 нафар киши эса турли даражада жароҳат олди. Бу ҳақда «Садои Афғон» Telegram канали хабар берди.

Афғонистон олий раҳбарининг матбуот котиби Забихуллох Музоҳид ҳам Кобул, Қандаҳор, Пактия ва Пактика вилоятларидаги тураржой массивлари ҳамда бошқа ҳудудларга берилган тунги бомбардимонлар оқибатида қурбонлар борлигини маълум қилган.

Шунингдек, хабарларда қайд этилишича, Покистон ҳарбий-ҳаво кучлари Қандаҳор шаҳридаги Kam Air авиакомпаниясига тегишли ёқилғи омборларини ҳам бомбардимон қилган. Мазкур компания бир қатор халқаро авиакомпаниялар қатори БМТ самолётларини ҳам авиация кerosини билан таъминлаб келади.



Кўрган нарсангнинг қабул эт, эшитганларингни унут: Кўёш бош кўтаргач, Зухални томоша қилишдан бизни маҳрум қилади.

Имом Ғаззолий

Шарҳ

Моҳият

АЁЛ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Янги фармон зўравонликка қарши курашда муҳим қадам

Яқинда бозорда бир ачинарли манзарага дуч келдим. Эр-хотин қайсидир маҳсулотни харид қилиш асноси тортишиб қолган шекилли, эркак оғзига келган сўзлар билан аёлини бўралатиб сўқяпти. Атрофдагилардан зигирча андиша қилаётгани йўқ. Ҳартугул ёши каттароқ отахон дакки бергач, ўзича бир нималар деб нари кетди. Аёл эса хижолатдан жойида қотди...

Мужитпар ожизани турмуш ўртоғи жамоат жойида шу кўйга солаётган экан, уйдаги манзарани тасаввур қилиб, ўзингиз учун хулоса чиқариб олаверинг...

Афсуски, орамизда худа-беҳудага жанжал кўтариб, хотинини, бола-чақасини сўқадиган, калтаклайдиган «эркак»лар йўқ эмас. Ҳатто муҳлислик қиладиган футбол командалари ютказиб қўйса, аламини аёли ва болаларидан оладиганлар ҳам бор. Бунга шахсан ўзим гувоҳ бўлганман.

Аслида бу фақат биз билан боғлиқ муаммо эмас, бутун дунёда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳали-ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, бу нафақат ижтимоий муаммо, балки инсон ҳуқуқларининг бузиллиши сифатида баҳоланади. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний таъзия ўтказилади. Турмуш қурган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қилади. Аёллар ўлимидан 38 фоизи уларнинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилган ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42 фоизига муаммо ҳақида очик сўзлайди.

ЮНИСЕФ тақдим этган маълумотларга қараганда, дунёда 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган ҳар 10 боладан олти нафари ҳар кун жисмоний зўравонликка учрайди. Ҳар 5 дақиқада бир бола зўравонликдан вафот этади.

Рақамлардан кўриниб турибдики, зўравонлик бутун жаҳонда жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Сўнги йилларда юртимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада соғлом муҳитни таъминлаш борасида кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2023 йилда мамлакат бўйича 39 мингта

яқин хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. 2024 йилда эса бу кўрсаткич 42 мингдан ортиқни ташкил этган. 2025 йил давомида профилактик ишлар кўчатирилиши натижасида минглаб оилаларда низолар барвақт ҳал этилган, зўравонлик хавфи мавжуд ҳолатлар маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан назоратга олинган.

Аслида муаммонинг олдини олишда жазадан кўра, профилактик чора-тадбирлар кўпроқ самара беради. Бунга амалиёт яққол тасдиқлаб турибди.

2026 йил 3 мартда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кўчатириш ҳамда уларга нисбатан таъзия ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги фармон ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳужжатга биноан, бир қатор муҳим вазифалар белгиланди. Энг аввало, аёллар ва болаларга нисбатан таъзия ва зўравонлик ҳолатларини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва жабрланганларга комплекс ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилади. Зўравонликдан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш ме-

сизлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ҳамкорлиги кўчатирилади. Маҳалла, ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, жамиятда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳужжатнинг аҳамияти фақат ҳуқуқий чоралар билан чекланмайди. У зўравонликка қарши курашни янги босқичга олиб чиқади. Илгари асосан содир бўлган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилган бўлса, энди профилактика, яъни муаммонинг илдизини бартараф этишга катта эътибор қаратилади, оқибат билан эмас, сабаб билан курашилади. Бу эса ҳар бир оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тўғри, бизда оила муқаддас ҳисобланади. Эр-хотиннинг уруши – дова рўмолнинг куриши, уйдаги рағиби кўчага чиқариш одобдан эмас, деган нақллар қон-қонимизга сингиб кетган. Шу боис кўп ҳолларда аёллар оила тинчлигини сақлашни, фарзандлари келажагини ўйлаб, ҳар қандай жабр-ситамларга бардош беради. Бировга дардини айтишдан, бир ёстиққа бош кўйган турмуш ўртоғининг устидан тегишли жойга

босиб, сабр билан яшайди. Бу бир тарафдан яхши. Зеро, тўла-тўқис бахтга осонликча эришиб бўлмайди. Ошсиз уй бўлиши мумкин, ва лекин урушсиз хонадон бўлмайди. Ота-боболаримиз шу тариқа ҳаёт кечириб, кам бўлишмаган.

Аммо ҳозир замон бошқа. Одамлар орасидан меҳр-оқибат кўтарилган. Аччиқ бўлса-да, ҳақиқат бу. Арзimas масала катта тортишувга айланиб, аёлини ўласи қилиб ураётганлар, ҳатто қасддан жонига қасд қилётганлар ҳақида бот-бот эшитяпмиз. Болаларга оилада қилинаётган зўравонликлар ҳақида-ку, гапирмасам ҳам бўлади...

Хуллас, ҳозирги аҳволимизга кўзгу тутсақ, ҳолатимиз мақтагулик эмас. Шундай экан, «Одамлар нима дейди», деган андиша тўфайли бошидан кечириётган азоб-уқубат ва зўравонликларни «оилавий масала», деб хаспўшлаш керак эмас. Бунинг оқибати вой бўлиши мумкин. Чунки суқут муаммони ҳал қилмайди, ақсинча, газак олдиради. Сабр – фазилат, аммо адолатсизликка кўникиб яшаш ҳар кун бир ўлиб-тириллш билан баробар. Бунга бошидан ўтказганлар жуда яхши билишади.

Шунинг учун масалага нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-маънавий нуқтаи назардан ёндашишни даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Авалло, ҳар бир аёл ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, жамият эса уларнинг мурожаатларига берақ бўлмаслиги зарур. Шундагина оилада тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради. Шу маънода олиб қараганда, янги фармон мамлакатимизда инсон қадрини утулаш, аёллар ва болаларни зўравонликдан сақлаш ва муносиб ҳаёт кечирилари таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғулможон МИРАҲМЕДОВ «ISHONCH»



Ҳозирги аҳволимизга кўзгу тутсақ, ҳолатимиз мақтагулик эмас. Шундай экан, «Одамлар нима дейди», деган андиша тўфайли бошидан кечириётган азоб-уқубат ва зўравонликларни «оилавий масала», деб хаспўшлаш керак эмас. Бунинг оқибати вой бўлиши мумкин. Чунки суқут муаммони ҳал қилмайди, ақсинча, газак олдиради. Сабр – фазилат, аммо адолатсизликка кўникиб яшаш ҳар кун бир ўлиб-тириллш билан баробар. Бунга бошидан ўтказганлар жуда яхши билишади.

ҳанизмлари кўчатирилади, профилактик ишлар маҳалла даражасида янада тизимли ташкил этилади, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам хизматлари кенгайтирилади. Шунингдек, аёллар ва болалар хавф-

шиқоят қилишдан андиша қилади. Бошига неки тушса, тишини-тишига

«ОВОЗ САВДОСИ» ЯНА БОШЛАНДИ

Айни пайтда юртимизда «Ташаббусли бюджет»нинг жорий йилги биринчи мавсуми доирасида овоз бериш босқичи бўлиб ўтмоқда. 21 мартга давом этадиган ушбу жараён фуқаролар фаоллигини ошириш, маҳаллий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишда аҳолининг бевосита иштирокини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим механизмлардан бири бўлиб, давлат бюджетни маблағларининг бир қисми улар танлаган лойиҳаларга йўналтирилиши билан аҳамиятлидир.



«Менинг ҳудудим – менинг масъулятим» деган тушунчани шакллантирадиган мазкур тизим фуқаролар ўз ҳудудлари билан боғлиқ муаммоларни кўтариб чиқиш, уларни ҳал этишларида қўл келмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, «Ташаббусли бюджет» нафақат иқтисодий ёки ижтимоий, балки фуқаролик маданиятини шакллантирувчи муҳим лойиҳа ҳамдир.

Сўнги йилларда ушбу тизим орқали кўплаб ҳудудларда мактаблар таъмирланди, тиббиёт муассасалари жиҳозланди, ички йўллар таъмирланди, асфальт ётқизилди, болалар спорт майдончалари барпо этилди. Буларнинг барчаси фуқаролар ташаббуси ва овози

орқали амалга оширилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки маҳаллий муаммоларни энг яхши биладиган айнан шу ҳудудда яшовчиларнинг ўзларидир. Шунинг учун ҳам «Ташаббусли бюджет» давлат бошқарувида халқ манфаатини устун қўйишга хизмат қилмоқда.

Бироқ бу жараёнда айрим камчилик ва муаммолар ҳам учраб турибди. Айниқса, овоз бериш энг масъуляти ва энг мураккаб босқич ҳисобланади. Чунки айнан шу пайтда қайси лойиҳа голиб бўлиши ҳал этилади. Фуқаролар ўзларига маъқул лойиҳани овоз бериш орқали қўллаб-қувватлайди. Аслида бу эркин танлов асосида, аҳолининг

онгли қарори билан амалга оширилиши керак. Аммо амалиётда баъзан овоз тўплашда турли ноҳилиқ усуллар ҳам қўлланилмоқда. Масалан, битта овоз эвазига совғалар бериш ҳолатлари учрайди. Одамларга чанқовбосди ичимликлар, ёр ёки бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бериш орқали овоз олинаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Гоҳида эса овоз бериш эвазига оз миқдорда пул таклиф қилиниши ҳам мумкин. Булар «Ташаббусли бюджет»нинг асл моҳиятига зид ҳисобланади. Чунки овоз моддий рағбат эвазига берилса, унда лойиҳани танлаш адолатли бўлмайди.

Гоҳида ташкилот ёки муассаса ходимлари ҳам мажбурий тарзда овоз йиғиш жараёнига жалб қилиниши мумкин. Масалан, айрим меҳнат жамоаларида ходимлардан маълум бир лойиҳа учун овоз тўплаш талаб қилинади ёки улар кўча-кўйда юриб, маълум рағбат эвазига бошқаларни овоз беришга ундайди. Ҳатто пул йиғиб, тарғибот ишлари олиб борилади. Бу эса тизимнинг очиклиги ва эркинлигини шубҳа остига қўяди.


Аслида бу жараёнда асосий макссад фуқаролар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишдир. Юқоридаги каби ҳолатларда эса долзарб лойиҳалар эмас, кўпроқ ташкилий им-

Долзарб мавзу

кониятга эга бўлганлар голиб чиқиши эҳтимоли пайдо бўлади. Шу боис бу эзгу макссад йўлида самарадорликни ошириш учун бир неча муҳим омилларга эътибор қаратиш зарур. Аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш керак. Улар жараён шунчаки бир тугмани босиш эмас, балки ўз ҳудуди келажагини белгилашда овози қанчалик муҳим эканини англаб етишлари лозим. Иккинчидан, шаффофликни таъминлаш керак. Агар тизим очик ва назорат остида бўлса, турли ноқонуний ёки ноҳилиқ усуллар камайди. Учинчидан, тарғибот ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилиши, фуқароларни мажбурлаш эмас, балки ишонтириш, лойиҳанинг фойдасини тушунтириш орқали олиб борилиши жоиз.

Муҳими, фуқаролар ўз ҳудуди ривожига бевосита таъсир кўрсатиш имконига эга бўлаётган «Ташаббусли бюджет» ижтимоий фаоллигини кўчатиришга қарама-қарши ҳақдорлик, бирдамлик ва ўзаро ёрдам муҳити қўлайиб, бу тизим юрт тараққиётига хизмат қиладиган самарали механизмга айланмоқда. Шундай экан, унда ҳар қандай ноҳилиқ, адолатсизлик бўлмаслиги даркор. Одамлар бунга тушуниб етиши керак.

Салим АБДУРАҲМОМОВ «ISHONCH»



Мичиганда синагогага ҳужум

АҚШнинг Мичиган штатидаги синагогада содир бўлган отишма оқибатида камида 30 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими шифохонага ётқизилди. Бу ҳақда CNN телеканали Окленд округи шерифи Майк Бушар ҳамда ФКБнинг маҳаллий бўлими раҳбари Жен-нифер Раяннга таяниб хабар берди.

Синагогага ҳужум қилган шахснинг ҳаракатлари сабаблари ҳозирча аниқланмаган. Ҳодиса юзасидан кенг қамровли тергов ишлари олиб борилмоқда. Тергов жараёнида ФКБнинг 100 дан ортиқ агенти ва таҳлилчилари иштирок этмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги манбаларга кўра, ҳужумда фойдаланилган автомобиль Мичиган штатида яшовчи, келиб чиқиши ливанлик шахс номига расмийлаштирилган. Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра, унинг оила аъзоларидан бир неча нафари Исроилнинг Ливан ҳудудида амалга оширган авиация зарбалари тўфайли ҳалок бўлган бўлиши мумкин. Бу ҳолат тергов доирасида текширилмоқда.

Япония ҳукумати жамоатчиликни АҚШ илгари сураётган янги авлод ракетага қарши мудофаа тизими – «Олтин гумбаз» (Golden Dome) ташаббусида иштирок этиш эҳтимолига тайёрлай бошлади. Бу ҳақда Yomiuri газетаси хабар берди.

Нашр маълумотига кўра, мазкур ташаббус бўйича расмий баёнот 19 март кунги Вашингтонда режалаштирилган учрашувдан кейин эълон қилиниши мумкин. Унда Япония бош вазири Санаэ Такаити ва АҚШ президенти Дональд Трамп иштирок этиши кутилмоқда. Газета бу ҳақда бир неча ҳукумат манбаларига таяниб маълумот берган.

Учрашув чоғида Трамп маъмурияти 2029 йилдан бошлаб амалга оширишни режалаштириётган мазкур лойиҳа муҳокама қилиниши кутилмоқда. Ташаббуснинг асосий макссади – Россия ва Хитой томонидан ишлаб чиқариётган гипертювшли зарба воситаларига қарши мудофаа имкониятларини

Токио космик ПРО лойиҳасига кирмоқчи

кучатиришдан иборат.

Лойиҳа доирасида АҚШ ҳудудини ракета ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун космосда ракетага қарши тизимларни жойлаштириш, ракетага қарши ҳамкорликда ишлаб чиқиш ҳамда сунъий йўлдошлар тармоғини шакллантириш режалаштирилган. Бу тизимлар товуш тезлигидан беш баравардан ортиқ тезликка ҳаракатланувчи гипертювшли қуроллар ва учувчисиз аппаратларни аниқлаш

ҳамда йўқ қилиш имкониятига эга бўлиши кутилмоқда. Режага кўра, 2028 йил март ойи охиригача ҳаракатланаётган нишонларни аниқлаш ва кузатишга мўъжалланган сунъий йўлдошлар гуруҳи шакллантирилади. Уларни учуриш жараёни эса 2026 йил апрелдан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади



Эълонлар

«Elektron Realtor» МЧЖ тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича савдога таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан «Ozsanoatqirishbank» АТБ балансида бўлган: – Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, «Мирзо Ғолиб» МФЙ, Менделеев кўчаси, 8-уйда жойлашган тикувчилик цехи ва маъмурий биноси қўйилмоқда.

Сотиш шарти ва нархи билан www.e-rieltor.uz сайти орқали, савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан **e-rieltor.uz** платформаси орқали ариза беришлари сўралади.

Мурожаат учун: Колл-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайти: www.e-rieltor.uz

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар, Учтепа туманида рўйхатдан ўтган «YUNIVEST SERVICES» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолиши сабабли бекор қилинди.

Хожат эмас, ҳаммасини сўзла баён қилмоққа, бир боқмоқ минг сўздан яхшидир англаганга. Жалолiddин Румий

Бугун турмушимизда электрон тўловлар оммалашди. Эндиликда уйда ҳамёни унутиб қолдирсангиз ҳам, телефон орқали пул ўтказиб, ишингизни битиришингиз мумкин. Аммо шу кунларда эълон қилинган бир маълумот кўпчилик томонидан унча яхши кўтиб олинмади: эндиликда мобил илова орқали кимгадир маблағ ўтказсангиз, унинг мақсадини ҳам кўрсатишингиз керак. Улар ичида ижара тўлови, ёрдам пулидан тортиб, чой пулигача мавжуд. Лекин кўпчилик жамоатчилик вакиллари, иқтисодий соҳани ёритадиган блогерлар мазкур амалиётни олқишламади. Нега?



Бугуннинг нафаси

Блоклашга ёки паспорт маълумотларидан тортиб шахсий рақамга кiritишни талаб қилишга ва солиқчиларга маълумот узатишга тўла ҳақли бўлади. Ҳиндистон эса трансчетаравий ўтказмалар учун махсус кодни ишлатиш талабини қўйган, лекин ички фойдаланишда бундай чекловлар йўқ.

Ён қўшнимиз Қозғистонда ҳам ўтказмалар мақсади бўйича талаб йўқ. Агар шахсинг хисобрақамига уч ой ичида 100 ёки ундан ортиқ жўнатувчидан ўтказмалар келиб тушса, бу умумий белгиланган лимитдан ошиб кетса, солиқ органлари шахсинг рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлиги бўйича тергов бошлаши мумкин. Аудит мақсадида фақат бошқа шахслардан ўтказмалар (P2P ўтказмалари) кўриб чиқилади. Қозғистон Молия вазирлиги бу қарорни даромадларни яшириш ҳолатларини аниқлаш зарурати билан асослаб, қўллаб тадбиркорлар товарлар ва хизматлар учун тўловларни шахсий хисобларга мобил ўтказмалар орқали олишларини таъкидлаган.

Айтганча, картадан картага пул ўтказишда мақсадни кўрсатиш талаби бўйича яна бир омилни кўздан қочирасан бўлмайди. Маълум бўлиши мумкин, эндиликда банклар ва тўлов ташкилотлари ихтиёрий равишда тўлов мақсади параметрларини кенгайтириши ёки тақлиф этилганларини камайтириши мумкин. Бу миқдорлар учун рақамли хизматлар кулайлигини янада ошириш мақсадида амалга оширилаётгани айtilган. Регуляторлар мазкур масала бўйича яқиний ва тақомиллаштирилган механизм ишлаб чиқилгач, алоҳида тартибда маълум қилинишини билдирган.

Демак, мазкур масала бўйича ҳали яқиний ҳулосага келингани йўқ. Лекин Марказий банк баёнотида ҳулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, мақсадни кўрсатиш амалиётини воз кечилмади. Балки, у тақомиллаштирилди. Қўтанимиз, янги ва тақомиллашган амалиёт одамларга қанчалик қулайлик аратади?

Аброр ЗОҲИДОВ «ISHONCH»

Мулоҳаза

Кўзингиз тушган бўлса керак, яқинда ижтимоий тармоқларда сурхондарёлик йигит бир неча кучуқнинг кулоқларини юлиб олганига оид тасвирлар тарқалди. Тўғриси, охиригача кўришга юрагим чидамади. Орадан икки кун ўтгач, зовурда эшакнинг триклайин ёқиб юборилгани акс этган видео ижтимоий тармоқни ларзага солди. Танаси куйиб кетган жонивор оғриқдан қалтираб турарди...

«ШУ ИНСОННИНГ ИШИМИ?»

Айтишларича, бу ходиса Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги «Хўжақон» маҳалласида юз берган. Уни изоҳлаётган эрақ «Шу инсоннинг ишимми?» дея одамларга мурожаат қилади. Ушбу воқеалар оммага ошкор бўлгач, кучуқчаларнинг қулоқларини юлиб олган йигитга 10 суткалик қамқоқ жазоси тайинлангани билдирилди. Эшакни ёққанлар ҳам топилди қолар...

Ҳеч тушуниб бўлмайди, охириги пайтларда одамлар билан нимадир юз беришти, кимдир илоннинг бошини чайнайди, бошқа биров мушукни ёқади, қайсидир ноқас итнинг калласини ўтўргич билан жароҳатлайди. Бундай ваҳшийликка сабаб нима? Илгари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига меҳри эдикми ёки ижтимоий тармоқ пайдо бўлгач, кимлигимиз билиниб қолдимми?

Барчага аёнки, табиат одамсиз яшашда давом этиши, ҳаттоки, инсоният пайдо қилган ҳаётлардан ҳам қутулиб, йўқотганларини тиклаши мумкин. Бироқ бу теварғимизни ўраб турган борлиқсиз ҳаёт кемира олмаслигимиз аниқ. Шундай экан, ҳаво билан таъминланган даракларнинг негиз аёвсиз кесепмиз, барча жонли мавжудотни боқаётган ерни нима учун кимёвий моддалар ва чиқинди билан «тўйинтиряпмиз»? Дарё ва денгизлар нефть қолдиқлари, полиетилен маҳсулотлар, завод ва фабрикаларнинг захарли оқиқилари билан булганмоқда. Нафс йўлида борлиқни шу тарзда горат этаверамизми? Ҳаракатларимиз ўзимиз яшашган уйга ўт қўйишга ўхшайди.

Табиийки, табиат ҳам қилмишларимизни жавобсиз қолдирмаётган. Бинобарин, яқинда йўлларнинг асосий қисми инфаркт ҳамда саратон сабаб юз бераётганига оид хабарга кўзим тушиб қолди. Таниш шифокор ушбу ҳасталиқларни емак-ичмак кимёвий моддалар ва пластик идишларга тобора боғланаётгани билан изоҳлади. Қолаверса, табиатдан узоклашши ҳам дардларга сабабчи экан.

Шу омилларнинг ўзи табиатга нисбатан меҳри бўлишимизга ундаши керак эмасми? Психологлар фикрига кўра, кўчада, иш жойида, оиласида руҳий ва жисмоний таътиқларга учраганлар стресслардан қутулиш, усталик ҳиссини туйиш, ўзини кўрсатиш мақсадида ҳайвонларга озор бераркан. Шунингдек, ота-она меҳри ва эътиборига тўймадлиқ, катталарнинг ҳайвонларга муносабатидан «ўрнак» олиб, ваҳшийлиқни меъёр сифатида қабул қилиш муаммонинг илдизларидир.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, ҳайвонларни қийноққа солган болаларнинг оиласида муҳит соғлом бўлмаган. Улар жисмоний ва психологик қийинчиликларни бошдан кечиргани учун ҳиссиёт ҳамда ҳаракатларини жиловлай олишмайди. Рўхунослар бундайларга стрессдан чиқиш учун спорт ёки бошқа фойдали машғулот билан шугулланишни тавсия қилишади.

Яна бир мулоҳаза: жониворларга қилинган ҳар қандай таъвож учун қонуний чора кўрилсагина, юқорида тафсилотлари келтирилганга ўхшаш муҳимликларга камроқ гувоҳ бўламиз. Аммо бу йўналишдаги ҳал қилувчи омил оиладаги тарбиядир. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар 60 сонияда бир жонивор одамлардан жабр кечади ёки нобуд бўлади. Истагимиз шуки, бу кўрсаткич юртимизга алоқадор бўлмаслиги керак. Зеро, машҳур француз ёзувчиси Жак-Анри Бернанден де Сен-Пьер айтганидек, «Ҳайвонларга ваҳшийларча муомала одамларга қилинадиган муносабат борасидаги бошланғич тажрибадир».

Алижон АБДУСАТТОРОВ «ISHONCH»

Авалло, масалани чуқурроқ тушуниб олайлик: Марказий банк талабига кўра, тижорат банклари ва тўлов муассасалари картадан картага (P2P) ўтказмаларни учун тўлов мақсадини белгилаш хусусиятини жорий этмоқда. Энди фойдаланувчилар мобил иловаларда транзакцияларни амалга оширишда тегишли тўлов тоифасини танишлар шарт бўлади. Янги талабларга мувофиқ, жўнатувчилардан 16 та тоифадан иборат рўйхатдан ўтказма мақсадларни кўрсатиш сўралади. Буларга қариндошларга ўтказмалар, хизматлар учун тўлов, қарзларни тўлаш, хайрия, озиқ-овқат ҳаражатлари ва бошқа маншый тўловлар кирди. Баъзи тижорат банклари янги функцияни алақачон жорий этишган, бошқалари эса босқичма-босқич янгиланган форматга ўтмоқда. Марказий банкнинг изоҳ беришича, ушбу янгиланган маълумотларнинг ички тизимларида тўлланади ва регуляторнинг сўзларига кўра, унчинчи шахслар билан баҳам кўрилмади.

Бир қарашда Марказий банкнинг изоҳида, кўрсатган вақтларда жон бордек. Лекин бу ерда гап мижозлар,

фуқароларнинг молиявий мустақиллиги ҳақида ҳам кетяпти. Эндиликда бўлса, аввалроқ бир кишига 20 данадан ошқ банк картаси очиб чеклаб қўйилган. Яқинда бу чеклов яна узайтирилди. Ўзбекистонда аҳоли кўпайиб бормоқда, банк мижозлари, пул айланмаси ошяпти, шу билан бирга фирибгарликлар ҳам авж оляпти. Бу томондан Балки Марказий банкни тушуниш мумкин. Аммо бошқа томондан фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари-чи? Масалан, пул ўтказишда бошқа мақсадлар ҳам бўлиши мумкин. Пулни ишлатишдан мақсад фақат 16 тоифадан иборат рўйхатдан иборат эмаску. Масалан, киши ўзининг бир банк картасидан бошқа картасига пулни ўтказиб олиши мумкин. Электрон тўловни оммалаштириш лозим бўлган вазиятда, биз одамларни ундан совутмаёпмизми?

Иқтисодчи Отабек Бақировга кўра, мазкур янги ташаббус, кишиларда электрон пулга нисбатан ишончни усайтириб, нақдга қайтишни рағбатлантириши мумкин. «Бу ғаройиб тақиб ва чекловлар яна 28 кундан кейин (1 апрелдан дейил-

моқда) кучга кирадиган уй-жой ва автотомобиль харидлари, давлат хизматлари, электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўловлар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, ёқилги, қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар учун тўлошни нақдсиз тўловларга ўтказиш арасида қилинаётгани галати. Бу таъбир жоиз бўлса, «картадан ва нақдсизликдан тезроқ қоч, нақдга ўт», дейишдек. Қизиги, 16 мақсад ичида ўзига ўзи ўтказмалар банди йўқ, қўзда тутилмаган. Балки Марказий банк ё солиқчилар учун бу қизикмасдир, лекин ўтказмаларнинг қатта қисми айнан ўзига ўзи ўтказмалар хисобланади», деб ёзади у.

Шунингдек, айрим таҳлилчилар Марказий банкнинг мазкур қадамини фуқароларнинг молиявий ҳолатини назорат қилиш ва солиққа тортиш бўйича механизмни кучайтириш омили сифатида кўришмоқда (гарчи регуляторнинг ўзи бу ҳақда таъкидлаб ўтмаган бўлса ҳам). Иқтисодий таҳлилчи Юлий Юсуповнинг фикрига кўра, банк картаси орқали катта пул ўтказувчилар молиявий бо-

симга дуч келишлари мумкин, натижада нақдга ўтишга ҳаракат кучайиб, яна қатор ноқулайликлар пайдо бўлиши мумкин. Бу эса эндигина жойига тушган банкноматлардаги навбатлар, нақд пул этишмовчилиги ва бошқа муаммоларни қайтадан кўзга тиб юбориш эҳтимоли бор, дегани. Лекин, Марказий банк раиси ҳозирча ҳавотирларга ўрин йўқлигини, жараён рақамли молия ривожланишининг табиий босқичи эканини айтиб чиқди.

Албатта, дунё миқёсида карталар орасида пул ўтказганда турли чеклов ва қоидалар ишлайди. Қайд этиш керакки, дунё бўйлаб банклар пул ювизи (AML - Anti Money Laundering) ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш (CFT - Countering the Financing of Terrorism) бўйича халқаро стандартларга риоя қилади. Аммо ички муҳитда, ўзаро оддий банк карталари орқали тўловда турли чеклов ва молиявий биқиклик деярли йўқ. Тўғри, Россияда ўтказмаларда мақсадни кўрсатмаслик федерал қонун билан таъкиб қилинади, яъни ўтказмаларда мақсадни кўрсатмаслик мумкин, лекин бунда банклар сизни

Турмуш сўқмоқларида

Аслида бирор тадбирга кечикиб бориш одатим йўқ. Уша қуни кечикдим. Бевозталиқ билан иккинчи қаватга, тадбир бўладиган залга кўтарилишим, сал таскин топгандай бўлдим. Ўриндиқда бир киз ўтирарди. Демак, мена бошқа кечиккан ҳам бор, бирга кириш ноқулайликдан қутқаради.

– Қани, юринг, кирамиз, – дея эшикка ишора қилдим, ҳатто, унинг саломига алиқ олишгамам тоқатим етмай.

– Йўқ, мен кирмайман, мажлиста келмадим... Қизнинг майин, ингичка, айни пайтда тортинчоқ овозидан сергақ тортидим, ялт этиб, унга қарадим: нари борса, 14-15 ёшли қизча эди. Вазиятни англаб (тахминимча, қизча узокдан келган иштирокчининг фарзанди, отаси ё онаси шу баҳонада уни Тошкентни айлантириб келиш учун олиб келган), эшик томон юрдим. Лекин дарҳол шаштирдан қайтдим, жойлашши учун нотикнинг олдидан ўтиб бориш керак экан. Та-наффус бўлишини кутаман, бошқа илож йўқ.

Зал эшигидан сал нарироқдаги ўриндиққа чўқдим. Ўтиришим биланоқ ҳалиги қизча мен томон келди. Тушундим, у ҳам мен кечикканимда ундан ҳамдард ясаганимдек, энди у вақт ўтказиш учун мен билан чалғимоқчи.

– Амаки, сиз ҳам узокдан келдингизми? Саволнинг келиб чиқиш сабаби маълум: кечикиб келганим.

– Э, йўқ, Тошкентданман, уқлаб қолибман, – унинг ёшлиги менга шу тахлит ҳазилга изн берди. – Ўзинг қардан, ойинг ё дадан томошгага олиб келдингми?

Негадир қизчани сўхбатдан шашти қайтгандек бўлди шу гапимдан кейин.

– Йўқ... У уёқ-буёққа тез-тез қадамлай бошлади. Аммо ўзи бошлаган сўхбатни давом эттирмади.

Мен эса конференцияга амаллаб кириб олишни ўйлардим. Топдим пайтини: маърузачилар ўрин алмашган дам – энг қулайи. Шундай қилман.

ОТАНГНИ ТОПДИНГМИ, ЛОЛА?..

– Ростдан Тошкентданмисиз, амаки? Қизгинанинг тўсатдан берган саволидан ортимга бурилиб, уни тамомила бошқа кайфиятда кўрдим.

– Мана бу жойни биласизми? ...У йиртиб очилган, анча уруниб қолган конвертни тутди қўлимга. Конверт ичида хат йўқ. Тошкентдан Андижонга йўлланган хат жилди экан. Жўнатилган манзилни билдим. Хатни қабул қилувчи манзилга эса даярли эътибор бермадим. Хатни қабул қилувчининг исми Лола эканини билдим, холос.

Эҳ, Лола, Лола, Лола! Қиз билан сўхбатимиз шу даражада етдики, бу конференцияга кириш учун фурсат тезроқ ўтишига эмас, конференцияни кўрбон қилишга тайёр қилиб қўйди мени...

Лола она қорнидагидайёқ ота-онаси ажраб кетишади. Отаси Тошкентда бошқа оила қурган. Падарини шу ёшгача кўрмабди. Бир неча марта йўлга отланган. Аммо бу шаштидан қайтаришган. Энг қатта тўсиқ – «Отанг кўришини истаса, Андижон қочиб кетибдими?» деган дашном. Лоланинг қўлида эса бу қоронги манзилга даъват этувчи шу хатдаги биргина гап: «Уни кейин кўрсатди менга» «Келаман десанг, келавер». Бу хатга ям-бир-кичи йил бўлибди. У конференциядан чиқишини кутаётган аёл эса унга тамомила беғона экан. Поезда танишибди.

Бечора Лола... Уйдан беришасан қочиб чиқибди. Поезда чиқибди олинж излаган, шу аёлдан мадад кутган. Менга сўз қотишга журғатим тушурди энди. У гапирарди: «Отани билганлар айтдики, мен унга жудаям ўхшарканман, биламан, мени кўрмаган, аммо бир кўришда таниб олади».

Конференциядан чиқибди, Лола томон олдидим. У энди мени ўша бирга келган аёл билан кўтиб олди. Аёл биз билан унинг отасини излаб

боришга кўнмади. Устига-устак, «Мен бу қизни эсон-омон Андижонга олиб кетай, жудаям юрагим гаши, ёш нарса бу жойларда қилиб кетмасин. Отанинг бошқа бирор яқини билан келиб топар», деб қизга ям рўхсат бергиси келмади. У эса шаштидан қайтгиси йўқ. Бу орада биз, яъни қизни отасига олиб боришга тарафдорлар ҳам кўнайдиқ. Ҳайдовчим ва яна бир таниш ҳам-қасбим сафимизга қўшилди.

Машинада кетяпману хаёлим бўлажақ воқеа тасаввур билан банд. Ота-бола учрашувига қалбим дош берармикан? Аммо ҳалиги «Отанг кўришини истаса, Андижон қочиб кетибдими?» деган дашном ва хатдаги «Келаман десанг, келавер» деган на тақлиф, на рад – аломати номаълум жумла мени бироз ўнғайсизланттирарди. Нега у бир бор келиб тудек қизини кўриб бошини солмаган? Ҳар нарса бўлиши мумкин. Аммо ҳозир катта хурсандчилик бўлади, деб овутаман ўзимни. Ортимга, Лолага қарайман, миқ этмайди.

Манзилга қийналмай етиб бордик. Қидиришга, сўраб-суриштиришга ҳам ҳожат йўқ. Тошкентнинг ҳамма биладиган йирик корхонасининг умумий ўйларидан бири...

Қўнғирокни иккинчи бор босишимизда эшик очилди. Оч сариқдан келган 40 ёшлар чамасидаги хушбичим сархуш йигитни кўрдиму, дарров «танидим». Худди Лоланинг ўзи. Сўрашган қўларини ундан уздим, ўзимни четта олдим, ортимда Лола эди. «Мана, Лола, қизингиз», деди сабри чидамай бизга шерик бўлган Рустам ака. Йигит бироз донг қотди. Кейин тирсақларини деворга тираганча «Ҳа, онасига ўхшабди», деди. Лола терс бурилиб нари кетди. Ҳўнграб йиғлаб юборди. Бу орада ордан чиққан аёл (албатта, хотини) анча дадил тутди ўзини. «Келисану, кир энди, томоша кўрсатмасдан». Бу киноя «Келаман десанг, келавер»ни эслатди. Биз шу ўйлар билан қанча муддат ўзини йўқотдик, билмайман. Бир маҳал дахлизга қарасам, Лола йўқ. Зиналардан тарс-турс оёқ товушларини эшитиб мени ва шериким ортидан чопдик. Минг ҳавотирда пастга тушиб, уни қидира бошладик. Бизни кутаётган ҳайдовчимиз «Ана, йиғлаб турибди», деб қатта дарак томонга ишора қилди.

Лола ҳалиги аёл жойлашган меҳмонхонага етганимизча қўли билан юзини беркитиб йиғлаб келди. Меҳмонхонада аёл вазиятни кўпгина шерикларига билдирган шекилли, улар ҳам бедор бўлиб бизни кўтиришди.

Меҳмонхонадан чиққанимизда ҳам Лола унсиз йиғлаётган эди. ...Бу воқеага чамаси йигирма йилдан ошди. Эсимга тушса, алланечук бўлиб кетаман. Хаёлимдан кетмайди: машинада юзини беркитиб, меҳмонхонада юзини тўшаққа босиб йиғлаётган Лола...

Қайдасан, Лола? Отангни топдинг-ми, Лола?

Чори ЛАТИПОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



Мароқли дам олинг, азиз газетхон! Камолiddин Раҳимов ижросида «НАРГИС» ҚЎШИГИ

Эй юзунг кўзусига волау ҳайрон наргис, Кўзунг оллидадурур сурати бежон наргис. Гўйиё топди чаман сорч хироминг хабарин, Фош этар ҳар кеча гулшанда чарогон наргис. Оҳ, наргис, хабар олмайсан ҳаргиз.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi). Bosh muharrir Husan ERMATOV.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20.

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Umumiy adadi 35 285 ta. Shundan: 6 610 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 19 477 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 198 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.